

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти



Институтда методик ишларни ташкил
қилиш бўйича қўлланма

НАМАНГАН - 2008

Дадамирзаев Ғ. Институтда методик ишларни ташкил қилиш бўйича қўлланма. Методик қўланма. Наманган НамМПИ, 2008 йил, 16 бет

Методик қўлланмани тайёрлашда такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари талаблари асосида методик ишлар ташкил қилиш механизмлари ва мезонлари ҳисобга олинди.

ОТМ ларида методик ишларни ташкил қилиш бўйича мукаммал ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжат мавжуд эмаслиги учун муаллиф ўзининг тажрибаларига суянди ва унинг камчиликлардан ҳоли эканини кафолатламайди.

Методик қўлланма ўзининг фаолиятида унга дуч келадиган барча мутахассисларга мўлжалланган.

Тузувчи: Дадамирзаев Ғуломқодир – Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, доцент

Такризчи: Ҳакимов А. - НамМПИ ўқув ишлари бўйича проректори, доцент

Методик қўлланма НамМПИ илмий-методик кенгашининг 2008-йил 23 октябр кунги йиғилишда муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.

Кириш

Наманган муҳандислик-педагогика институти таянч олий таълим муассаси мақомига эга бўлгани учун унда олиб борилаётган ўқув методик ишларнинг салмоғи унга бириктирилган олий таълим муассасалари учун ибратли даражада бўлиши талаб этилади.

Институтда методик ишнинг асосий мақсади—ўқитишни такомиллаштиришга ҳамда таълим методи ва уни ташкил қилишга комплекс ёндошиш асосида ўқув жараёни сифатини ва самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Методик ишни ташкил қилишда асосий вазифа ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратларини оширишга имкон яратиш йўли билан институтда ижодий муҳитни шакллантиришдир. Институт педагоглари ўзларининг методик маҳоратларини ошириш аҳамиятини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар педагогик қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларида таҳсил олмоқдалар, натижада илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш методикасини ўзлаштирмоқдалар. Лекин институтда методик ишларни тизимли асосда ташкил қилишда баъзи камчиликлар мавжудлиги учун оралиқ бўғинларда узилишлар юзага келмоқда ва у самарадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу методик қўлланма ўқув-методик ишларни янада такомиллаштириш, институтнинг барча бўғинларида самарадорликни ошириш ва методик ишларнинг тизимли ҳамда узлуксиз фаолиятини таъминлашга қаратилган.

Институтда методик ишлар қуйидаги бўғинлар даражасида амалга оширилади:

1. Кафедрада — методик комиссия.
2. Факультетда — методик комиссия.

3. Институтда – ўқув - методик кенгаш.

Методик ишларни ўқув-методик бўлим ва ўқув-методик кенгаш (ўқув ишлари бўйича проректор кенгаш раиси ҳисобланади) мувофиқлаштириб боради ва улар ўзларининг фаолиятларини бошқа бўлинмалар билан узвий алоқада ташкил қиладилар. Методик ишлар қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- илмий-методик изланишлар олиб бориш;
- илғор тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- таълимнинг тараққиёт йўналишларини белгилаб бериш;
- таълим мазмунини такомиллаштириш;
- ўқув жараёнини ташкил қилишнинг илғор технологияларини ва ўқитишнинг янги методларини ишлаб чиқиш;
- фанларни ўқитишга илғор технологияларни қўллаш методикаларини такомиллаштириш;
- илмий-методик ишланмаларни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш;
- профессор–ўқитувчилар таркибининг педагогик малака ошириш шакллари аниқлаб бориш;
- методик ишларни бошқариш.

I. Методик ишнинг асосий йўналишлари

Таълим сифатини таъминлаш тизимини тараққий эттириш учун методик ишларнинг қуйидаги йўналишларини устивор этиб белгилаш лозим:

1. Ўқув–методик ишлар сифатининг таҳлили ва уни янада яхшилаш дастурини ишлаб чиқиш.
2. Давлат таълим стандартлари талаблари асосида фанлар бўйича ўқув -методик комплекслар яратиш.

3. Фанларнинг ишчи дастурларини янги билимлар асосида такомиллаштириб бориш.
4. Профессор–ўқитувчиларнинг ўқув–методик фаолиятларини алоҳида баҳолаш ва рағбатлантириш тартибини амалга ошириш.
5. Ўқув жараёнини ўқув-методик адабиётлар ва моддий–техник база билан таъминланганлигини таҳлил қилиш.
6. Ўқув-методик ишни ташкил қилишнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш.
7. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва ўқув жараёнига тадбиқ қилиш.
8. Институт ёш ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини ошириш тизимини яратиш.
9. Илмий – методик ишлар бўйича конкурслар, семинарлар ва конференциялар ташкил қилиш.
10. Муҳим йўналишлар бўйича илмий-методик изланишлар олиб бориш.

II. Ўқув-методик кенгаш

1. Институтнинг ўқув-методик кенгаш (ЎМК) и қоида бўйича ўқув ишлари бўйича проректор раҳбарлигида ташкил қилинадиган ва доимий фаолият олиб борувчи жамоавий орган ҳисобланади. ЎМК институтда методик ишларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади, факультетлар, кафедралар ва методик ишларда иштирок этувчи бошқа бўлинмаларнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириб боради. Шунингдек, мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтаришга қаратилган ва ўқув жараёнининг ўқув-методик таъминоти бўйича истиқболли йўналишларнинг ривожланишига кўмаклашади.

2. Ўқув-методик кенгаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг унга тегишли қарорлари ва буйруқларини институтда амалга ошириш бўйича кафолатли ҳисобланади. Бундан ташқари ЎМК институт Илмий кенгаши қарорлари ва ректор буйруқларининг унга бевосита алоқадор қисмлари ижросини таъминлайди.

3. ЎМК одатда қуйдаги таркибда шакллантирилади:

- ўқув ишлари бўйича проректор, раис.

- АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректор, ҳамраис;

- ўқув-методик бўлим бошлиғи, раис ўринбосари;

- факультетларнинг методик комиссиялари раислари, аъзо;

- факультетлар деканларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, аъзо;

- ижтимоий-гуманитар йўналишдаги кафедралардан бирининг мудир, аъзо;

- тажрибали методист ўқитувчилар таркибидан (танлаб), аъзо;

- ЎМК котиби аъзолар ичидан белгиланади.

4. ЎМК таркиби ректор буйруғи билан камида икки йилга тасдиқланади.

5. Ўқув-методик фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича қўйилган масалаларни ечиш учун ЎМК қошида доимий фаолият кўрсатувчи методик комиссиялар ва муваққат ишчи гуруҳлар тузиш мумкин.

III. Ўқув –методик кенгаш фаолияти

1. Институтда таълим сифатини ошириш мақсадида ўқув-методик ишларни истиқболли режалаштириш ва мувофиқлаштириш.
2. Ўқув-методик ишлар мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.
3. Фанларнинг намунавий ўқув дастурларида белгиланган ўқув-методик адабиётлар ва ОЎМТВ тавсия этган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафедралар ва факультетларнинг таъминланишига кўмаклашиш.
4. Илмий-методик фаолиятнинг илмий изланиш эҳтиёжлари билан таъминланишига ёрдамлашиш.
5. Институтни Давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтишига тайёргарлик тадбирларида фаол иштирок этиш.
6. Олий ва ундан кейинги таълим муаммолари бўйича кенгашлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиш.
7. ЎМК мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган бошқа фаолиятларни олиб бориш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида ЎМК қошида қуйдаги комиссияларни ташкил қилиш мумкин:

1. Таълим фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссия. Унинг вазифалари:
 - янги таълим ва педагогик технологиялар бўйича тажрибаларни ўрганиш, тартибга солиш ва ўқув жараёнига тадбиқ қилиш;
 - электрон ва ахборот-методик материалларга асосланган замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш;

- масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш методикасини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;
- алоҳида фанларни ўқитишга янги методикаларни қўллаш.

2. Ҳуқуқий-методик комиссия. Унинг вазифалари:

- факультетлар ва кафедраларни ОЎМТВ нинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан таъминлаш;
- таълим фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатлар (низом, қоида, тартиб ва б.) ни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

3. Таълим сифати бўйича комиссия. Унинг вазифалари:

- юқори бошқарув органларининг таълим сифатини назорат қилишга қаратилган ҳужжатларини амалга тадбиқ қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- факультетлар, кафедралар ва профессор–ўқитувчилар рейтингини аниқлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар асосида унинг методикасини ишлаб чиқиш;
- талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги ОЎМТВ Низомини аниқ фанларга тадбиқ қилиш методикаларини ишлаб чиқиш;
- ўқув ва илмий-методик фаолиятлар бўйича конкурслар ўтказиш.

4. Таълим фаолиятининг ўқув-методик таъминоти комиссияси. Унинг вазифалари:

- ўқув жараёнини ўқув ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлик даражасини таҳил қилиш ва уни янада яхшилаш бўйича таклифларни шакллантириш;

- институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ўқув ва илмий-методик ишларни тақриздан ўтказишни ташкил қилиш ва ЎМКда тасдиқлаш учун тайёрлаш;
- ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мониторинг олиб бориш ва таклифлар тайёрлаш;
- ўқув курслари ва уларнинг мазмунлари, курснинг методик таъминоти ва ўқитилишини мувофиқлаштирувчи самарали усулларни яратиш.

5. Илмий-педагогик кадрлар малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия. Унинг вазифалари:

- профессор ва доцент илмий унвонини олишга даъвогарларнинг ўқув-методик фаолиятини Олий аттестация комиссиялари талаблари асосида экспертиза қилиш;
- институт ўқитувчилари яратган дарслик, ўқув-методик ишларни методик экспертизадан ўтказиш;
- профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг малака ошириш жараёнини мувофиқлаштириш ва уларнинг малака ошириш даврида эгаллаган ўқув-методик тажрибаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- институт таркибидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказининг ахборот технологиялари ва масофавий таълим технологиялари бўйича ўқув дастурларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

IV. Ўқув - методик кенгаш фаолиятини ташкил қилиш

1. ЎМК ишини раислардан бири, уларнинг йўқлигида муовини бошқаради. Ректорликда ўқув-методик ишлар муҳокама қилинганда раис ЎМК номидан унинг ишини тақдим этади.
2. ЎМК институтнинг таълим сифатини оширишга қаратилган истиқбол мақсадлари асосида тузилган йиллик иш режаси бўйича ишлайди. У ЎМК раислари, муовини ва методик комиссиялар раҳбарларидан ташкил топган ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади ва институт Илмий кенгаши йиғилишида тасдиқланади.
3. ЎМК раиси институт Илмий кенгашига бажарилган ишлар ҳақида йиллик ҳисобот тақдим этади.
4. Методик комиссияларнинг ва ишчи гуруҳларининг йиллик ишчи режаларини ва ҳисоботларини ЎМК раиси тасдиқлайди.
5. ЎМК мажлислари режа асосида, лекин семестрда 2 мартадан кам бўлмаган сонда ўтказилади. Кенгаш йиғилишлари очик бўлиб, унда институтнинг хоҳлаган ўқитувчи-ходимлари қатнашишлари мумкин. ЎМК 50 фойиздан ортиқ аъзоларнинг ижобий овози асосида қарорлар қабул қилади ва улар методик ҳамда ахборот хатлари, фармойиш, Илмий кенгаш қарорининг ва ректор буйруғининг лойиҳаси сифатида расмийлаштирилади.

V. Ўқув-методик кенгаш ҳуқуқлари

- факультетлар деканатлари, кафедралар ва бошқа бўлинмалардан ўқув-методик ишлар бўйича материалларни сўраб олиш;
- алоҳида масалалар кўрилганда ЎМК мажлисларига деканлар, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчи ва ходимларни таклиф қилиш;
- методик ишларнинг алоҳида кўринишларини бажариш учун институтнинг шу йўналишдаги омилкор мутахассисларини жалб қилиш;
- ЎМК аъзоларини факультетлар Илмий кенгашлари ва кафедра йиғилишларида ўқув-методик ишлар муҳокамасида иштирок этишларини таъминлаш;
- ЎМК аъзоларини профессор-ўқитувчилар очик дарсларига ва фавқулодда дарс кузатишларга жалб қилиш ҳамда кузатув натижалари муҳокамасига иштирокини таъминлаш;
- ўқув йили натижалари бўйича ЎМК нинг асосий вазифаларини бажаришда юқори натижаларга эришган аъзоларни рағбатлантириш бўйича институт ректорига тавсиялар киритиш.

VI. Факультетнинг методик комиссияси фаолияти

1. Методик комиссия институт ЎМКи, факультет Илмий кенгаши, деканат ва бошқа факультетлар методик комиссиялари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритади.
2. Методик комиссия таркибига факультет декани, унинг ўринбосари, кафедра мудирлари ва факультетнинг етакчи ўқитувчилари киритилиши мумкин.

- Таркиб факультет Илмий кенгашида тасдиқланади. Методик комиссияни раис бошқаради.
3. Методик комиссия раисини декан тасдиқлайди ва у институт ЎМКи таркибига киритилади.
 4. Методик комиссия ЎМК қабул қилган режа бўйича институт методик ишлари билан кафедралар методик ишларини мувофиқлаштириб боради.
 5. Кафедралар фанлари бўйича ўқув-методик комплексларнинг яратилиши ва актуал ҳолатларни унга киритиб борилишини мувофиқлаштириб ва назорат қилиб боради.
 6. Фанларнинг ишчи дастурларини яратилиши ва уларга киритилаётган янгликлар ҳамда намунавий дастурларга мувофиқ келишини солиштириб боради.
 7. Ўқув дарслари ва талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш сифатини назорат қилади.
 8. Кафедраларнинг изчил методик ишлари бўйича тажрибаларини ўрганади ва оммалаштиради.
 9. Методик семинарлар, конкурслар ва бошқа тадбирларни ташкил қилади.
 10. Методик комиссия иши факультет Илмий кенгаши тасдиқлаган йиллик иш режаси асосида амалга оширилади. Методик комиссия ўқув йили охирида факультет Илмий кенгашида ҳисобот беради ва институт ЎМК га бажарилган ишлар ҳақида ёзма ҳисобот топширади.
 11. Методик комиссия аъзолари кафедралардаги методик ишлар ҳолатини текшириш, факультет ўқитувчилари дарсларига кириш, деканат ва кафедралардан ўқув-методик ишлар бўйича материалларни сўраб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

VII. Кафедрада методик ишни ташкил қилиш

1. Институтнинг асосий методик ишлари кафедраларда амалга оширилади. Ўқув йили бошида кафедранинг методик ишлар режаси қабул қилинади. Методик ишларнинг алоҳида турлари бўйича методик комиссия ташкил қилиш мумкин.
2. Кафедранинг йиллик методик ишлари режаси ЎМК ва факультет методик комиссияси вазифаларига мослаб ва кафедра учун муҳим бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратиб тузилади.
3. Методик ишларни кафедра мудирини бошқаради ва ҳар ўқув йили охирида кафедранинг методик ишлари якуни бўйича факультет методик комиссиясига ҳисобот тақдим этади.
4. Ўқитувчининг методик иши унинг касбий бурчи ҳисобланади, у шахсий иш режасига киритилади ва ўқитувчининг фаолиятини баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида кўрсатилади.
5. Ўқув-ёрдамчи ходимлар лавозим йўриқномаси ва иш режасига асосан кафедрада методик таъминот бўйича алоҳида кўринишдаги ишларни амалга оширадilar.
6. Кафедрада ўқув-методик ишлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:
 - фанларнинг ўқув-методик комплексини ишлаб чиқиш ва уларнинг актуал ҳолда бўлишини таъминлаб бориш;
 - ўқув-методик қўлланма ва кўрсатмалар тайёрлаш ва нашр қилиш;
 - кўргазмали қўлланмалар ва уларни ўқув жараёнида қўллаш методикасини ишлаб чиқиш;

- битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ва курс иши (лойиҳалари) нинг мавзулари ва топшириқларини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг мустақил ишлари ва амалиётлари топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш;
- маъруза ва амалий машғулотлар бўйича очик дарслар ташкил қилиш;
- педагогик малакани ошириш бўйича семинарларда, ўқув-методик тренингларда ҳамда конкурсларда иштирок этиш;
- ўқитувчилар учун ўқув-методик ишлар бўйича методик дарслар ўтказиш;
- кафедра ва факультетнинг методик комиссияси, институтнинг ЎМК и ишларида қатнашиш;
- кафедра йиғилиши, факультет методкомиссияси ва институт ЎМКи мажлисларига материаллар тайёрлаш;
- ўқув жараёнини бошқариш бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- методик семинарлар, конференциялар, тренинглар ва педагогик маҳорат конкурслари ташкил қилишда қатнашиш;
- дарслик, ўқув қўлланма, илмий-методик мақола ва докладлар ёзиш, нашр қилиш ҳамда уларни тақриз қилишда иштирок этиш;
- илғор таълим ва педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ўқув жараёнини ташкил қилиш сифатини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича аниқ технологияларни ишлаб чиқиш.

